

СИНХРОНИЯ ВА ДИАХРОНИЯДА ТИЛ ТАДҚИҚОТИ



Рихситилла АЛИМУХАМЕДОВ
катта илмий ходим-изланувчи
Тошкент давлат шарқшунослик институти
rixsitilla@gmail.com

“ХУАСТУАНИВТ”НИНГ МОНИЙ ЁЗУВИДАГИ УЗИНДИЛАРИ

Турк-моний манбалари орасида моний ёзувида битилган матнлар алоҳида аҳамиятга эга. Бу ёзувда бевосита монийлик билан боғлиқ бўлган асарлар кўчирилган. Монийликдаги муқаддас китоблардан бири, монийчилар тавбаномаси – “Хуастуанивт” асарининг турк-моний ёзувида кўплаб узиндилари бугунги кунимизгача етиб келган. Мазкур мақолада мана шу фрагментларнинг ёзув хусусияти, ўқилиши ва талқини ўрганилган.

Среди манихейских источников тексты, написанные на манихейском шрифте, имеют большое значение, потому что манихейским шрифтом написаны произведения, относящиеся непосредственно к манихейству. Одна из важных книг, покаяния в грехах «Хуастуанивт», дошла до нас во многих отрывках на тюркско-манихейском шрифте. В данной статье рассмотрим особенности письменности этих фрагментов, чтение и толкование текста.

The manuscripts in Manichaean script has important part in learning of Manichaeism. Because they have directly connection with Manichaeism. One of the meaning books, confession of sins “Xwastvanift” come up to in many fragments in Turkic-Manichaean script. In this article we will discuss about script specifics, translation and interpretation of these fragments.

Калит сўз ва иборалар: Хуастуанивт, моний ёзуви, кўлёзма, узинди, версия.

Ключевые слова и выражения: Хуастуанивт, манихейская письменность, рукопись, отрывок, версия.

Key words and expressions: Xwastvanift, Manichaean script, manuscript, fragment, version.

XX асрнинг бошларида Шарқий Туркистонга (ҳозирги ХХР Синжон автоном вилоятига) уюштирилган экспедициялар давомида кўплаб моддий ва маънавий ашёлар топилди(11, 40–49). Улар орасида VI–IX, ҳатто ундан кейинги асрларга тегишли кўплаб кўлёзма ва узиндилар бор. Ёдгорликлар
www.journal.fledu.uz

суғдий, брахмий, уйғур ҳамда моний ёзувларида. Мазкур топилмалар тарихни ўрганиш учун қимматли манбалардандир. Айниқса, улар орасида монийлик билан боғлиқ қўлёзмалар, ўз вақтида, мазкур дин билан боғлиқ кўзқарашларни тубдан ўзгартириб, монийликни ўрганишдаги янги даврни бошлаб берди.

Ҳозирда ушбу қўлёзмаларнинг катта қисми Германияда, Берлиндаги Бранденбург академияси Turfanforschung, Digitales Turfan-Archiv фондида сақланмоқда(15).

Манбалар орасида аҳамиятлиси, албатта, моний ёзувидаги матнлар ҳисобланади. Чунки уларда бевосита монийлик билан боғлиқ маълумотлар битилган. Улар ўрта форс, парфиёний ҳамда туркий тилда(13, 17–18).

Турк-моний адабий муҳида монийчиларнинг ўқинув китоби – “Хуастуанивт” жуда машҳур бўлган. Кунимизгача асарнинг икки йирик қўлёзма нусхаси етиб келган. Улар моний ҳамда уйғур хатларида(2; 4; 3; 6; 7; 14; 10; 11). Бундан ташқари, асарнинг кўплаб моний ҳамда уйғур ёзувли узиндилари етиб келган бўлиб, улар Берлинда сақланади(8; 9).

Берлин фондида “Хуастуанивт”нинг кўплаб узинди ҳолидаги моний ёзувидаги нусхалари мавжуд(1, 78, 163–206). Асарнинг туркий версияси аввал моний, сўнг уйғур хатида кўпайтирилган. Моний ёзувидаги узиндилари А.Лекок томонидан нашр этилган(2; 4). Кейинги тадқиқотларда ҳам шу нашрга таяниб иш олиб борилган(7, 216–227; 6, 167–234; 5, 39–45; 1, 78–80, 89–91). Аҳамиятлиси шуки, асарнинг моний ёзувли парчаларини ўрганиш орқали моний жамоаларининг саводхонлик даражасини, ёзувнинг тарқалиш ўрни ва асар ритмикасига оид қимматли маълумотларни ўрганиш мумкин.

Мазкур узиндилар орасидан U0007, U0008, U 0009, U0010, U0020, M6263 сақланиш рақами остидаги узиндилар диққатни тортади. Улар ички ҳамда ташқи омилларга кўра бир қўлёзманинг варақларига ўхшайди. Ташқи омилларга кўра: уларнинг қоғози тўқ сариқ рангда, ўлчами ҳам бир хил. Хати тартибли, ёзувнинг классик услубида. Ҳар бир бетда матн 12 қатордан (16) битилган. Бундан ташқари, ушбу узиндиларнинг собиқ сақланиш рақами бир хил (Т.П.Д 178). Ички омилларига тўхталсак, узиндиларнинг тўрттаси –0008 ва U0010, U0009 ва U0007 парчалар мазмунига кўра – бири иккинчисидан сўнг келади. Асосий матн қорада, айрим ўринда қизил сиёҳда битилган. Икки нуқталар (:) қизил сиёҳда. Китобат усулига кўра, у дафтар кўринишида яратилган. Юқорида келтирилган хусусиятлардан келиб чиқиб, мазкур узиндилар “Хуастуанивт”нинг яна бир моний ёзувидаги қўлёзмасининг парчалари бўлиши керак, деган хулосага келдик. Агар асар жами 378 қатор бўлса(1, 78–91), мана шу узиндиларни яхлит қўлёзма деб олсак, тахминий

ҳисобларга кўра ушбу кўлёманинг яна 10 варағи бўлиши керак. Қуйида мазкур кўлёмани асарнинг тузилиши бўйича кўриб чиқамиз.

U0008(Т.П.D.178IV) кўрсаткичли узинди(17). Қоғози анча уринган. Матннинг пастки қисмининг бир томони титилиб кетган. 6–9 қаторлардаги биринчи сўздан кейин йиртилган ўрни бўлиб, кейинги сўзнинг охири ҳарфлари кўришиб турибди. Қоғоз намиққани учун баъзи жойлардаги сўз ва ҳарфларни ўқиш мушкул. Матнда “Хуастуанивт”нинг бошланиш қисми берилган бўлиб, асарнинг бошланиши шу узинди асосида тикланган.

U0008 recto:

- (1) xormuz[t]a-h t(ä)ñrii biš t(ä)ñrii
- (2) birlīi qam(a)ğ t(ä)ñrilär sözinlüg(ü)n
- (3) yäkkä sünüşkälīi k[ä]ltii-h
- (4) intii : anīğ qīlīnčl(i)ğ š(i)mnuluğun
- (5) biš türölüg yäklärlügün sünüşdi :
- (6) t(ä)ñril[i y]äklīi y(a)ruqlīi qaralīi : ol
- (7) ödün [q(a)]tīldīi : xormuzta t(ä)ñrii-h
- (8) oğlan[īi] biš t(ä)ñrii : bizniñ özüt(ü)müz
- (9) süin y[äk]lügün sünüşüp bal(i)ğ bašl(i)ğ
- (10) boltīi : y(ä)mä qam(a)ğ yäklär ul[u]ğlar[niñ]
- (11) todunčsuz uwutsuz suq yäk[niñ]
- (12) yüzartuqī qir[q t]ümän yäk[niñ]

Мазмуни: (1) Хўрмузд тангриси беш тангри (2) билан барча тангрилар эзгулигини олиб, (3) шайтон билан тўқнашгани келди (4) (осмондан ерга) тушди. Ёвуз қилмишли Шимну билан, (5) беш турли шайтонлар билан тўқнашди. (6) Тангри шайтон билан, эзгулик ёвузлик билан ўша (7) дамда коришди. Хўрмузд тангриси, (8) ўғиллари беш тангри, бизнинг вужудимиз (9) лашкари шайтон билан тўқнашиб, бошидан (10) яраланди. Яна барча шайтонлар улуғларнинг (11) тўймас, уятсиз шайтоннинг, (12) қирқ минг шайтоннинг.

U0008 verso:

- (1) biligingä-h qatīlip ögsüz köñül-
- (2) süz boltīi : k(ä)ntüü tuğmīš qīlīnmīš
- (3) mänjigü t(ä)ñrii yirin unītuu itddii :
- (4) y(a)ruq t(ä)ñriilärddä atriltīi : antadda
- (5) ta bärüü t(ä)ñrim yäk qīlīnčīnğa-h
- (6) anīğ qīlīnčl(i)ğ š(i)mnuu ögümüzni
- (7) saqīnčimīznīi azğurduqīn a...quun (küün ?) :
- (8) biligsizögsüz boltuqumu[z] üçün :
- (9) qam(a)ğ y(a)ruqözütlärniñ t[öz]iñä

(10)[yil]t[i]ziņa :arīg y(a)ruqazrua t(ä)ņrikä

(11) [näčäya]zintim(i)z yaņilt(i)m(i)z ärsär :

(12) [yaruqlıiq]aralıi t(ä)ņ[ri]lii yäklii-h

Мазмуни: (1) (ёвуз) нияти билан қўшилиб, ақлсиз, кўнгил- (2) сиз бўлди. Ўзлари туғилган (3) мангу тангри ерини унутдилар. (4) Ёруғ тангрилардан айрилдилар. Ўшандан (5) бери, тангрим, шайтон иши билан (6) ёвуз қилмишли Шимну ақлимизни, (7) ўй-фикримизни ўғирлаш билан а... (8) ақл-идроксиз бўлишимиз учун (9) барча ёруғ қалбларнинг ҳамма (10) асосига, тоза ёруғ Азруа тангрига (11) қанча ёзуғ-айб қилган бўлсак, (12) ёруғлик билан зулмат, тангри билан шайтон.

U0010 (Т.П.Д.178 III) кўрсаткичли узинди(18). Қоғози анча уринган, ён томони ҳамда тепа қисмидан чириган. Ёзув аввалги нусхаларга қараганда яхши сақланган. Қоғознинг орқа (verso) томонининг учинчи қаторида қизил сиёҳда *qutluğ pars..* сўзи ёзилган. Матн “Хуастуанивт”нинг биринчи бўлими охири, иккинчи бўлимининг бошига тўғри келади. Ушбу узинди U0008 узиндисининг давомидир.

U0010 recto

(1) tözii yiltizii [ol tädimi]z ärsär

(2) tirgünsär t(ä)ņr[i tirgürür] ölürsär

(3) t(ä)ņrii ölürüü ti[dimi]z ärsär : ädgüg

(4) anığağqop t(ä)ņrii y(a)ratmišol

(5) tiddim(i)z ärsär : mänigüü t(ä)ņrilärig

(6) [yaratığ]lii oltidim(i)z ärsär : xormuzta

(7) [t(ä)ņrili š(i)]mnuliiiiičiliol

(8) [tidi]m(i)z ärsär : t(ä)ņrimsuydabaruu

(9) [bi]lmätin t(ä)ņrikäigdäyüümuntağ

(10) uluğčulwuu saw sözlädim(i)z ärsär

(11) mundağbošunčsuzyazuqyaz(i)nt(i)m(i)z

(12) ärsär : t(ä)ņrimamtii m(ä)n raym(a)st

Мазмуни: (1) барчасининг асоси шу деган бўлсак, (2) тирилтирса тангри тирилтиради, ўлдирса (3) тангри ўлдиради деган бўлсак, эзгуликни (ҳам), (4) ёвузликни (ҳам) фақат тангри яратган(5) десак, мангу тангриларни (6) (ўзи) яратган десак, Хўрмузд (7) тангри билан Шимнуни оға-ини деб (8) айтсак, тангрим, гуноҳ (қилиб юриб), билиб(9) билмасдан тангрига гуноҳ қилиб, шундай (10) кўп ғийбат сўз айтган бўлсак, (11) шундай кечирилмас (оғир) гуноҳ қилган (12) бўлсак, тангрим, энди мен – Раймаст.

U 0010 verso

(1) f(a)rzind ögü[nür m(ä)n yaz]uqda bošunuu

(2)ötünür m(ä)n : [m(a)nastar] hirza-h

- (3):qutluğ pars.. : ikintii y(ä)mä
 (4)kün ay t(ä)ñrikä : ikii y(a)ruqorduu
 (5)içräoluruğma t(ä)ñrilärkä : qam(a)ğ
 (6)burxanlarniñ :ariğnomniñ : [ädgü]
 (7)qiliniçl(i)ğ özütlärniñ : yir[niñ]
 (8)y(a)ruqnuñ : töziyiltiziitirnağ[uli]
 (9)t(ä)ñriiyiringärüübarsaröñüü
 (10)qapığii :kün ay t(ä)ñriiol : biş
 (11)t(ä)ñrigboşuğalıı : y(a)ruquğ q(a)rağ
 (12)oturğalııtägrätolııtägzinüür

Мазмуни: (1) Фарзинд (ўзингни) улуғлайман, гуноҳдан халос этгин дея (2) ўтинурман. Гуноҳларимни кечиргайсан. (3) Қутлуғ парс.. : иккинчи (бўлим). Яна (4) кун-ой тангрига, икки ёруғ ўрда (5) ичида ўтирувчи тангриларга, барча (6) бурхонларнинг, пок диний қоиданинг, эзгу (7) қилмишли қалбларнинг, ернинг, (8) ёруғнинг, барча асоси (9) тангри ерига борса,(уларнинг олдиға олиб борувчи) биринчи(10) эшик кун-ой тангридир. Беш (11) тангрини қутқариш учун,оқни қорадан (12) ажратиш учун унинг атрофида тўлиқ айланади.

U0020 (Т.П.Д.178) кўрсаткичли узинди(19). Қоғознинг чириган кичик парчаси сақланган. Парча намиққани учун баъзи ўринлардаги сўз ва ҳарфларни ўқиш мушкул. Парчанинг ҳар икки томонида 4 қатордан, жами 8 қатор узук-юлуқ матн сақланган. Матн “Хуастуанивт”нинг саккизинчи бўлими охири, тўққизинчи бўлими бошиға тўғри келади.

U0020 recto

1. tamğasii : ...
2. t(ä)ñrii tamğas[i]...
3. [b]iligbu[rxanlar]
4. bil[igimizni]

Мазмуни: (1) тамғаси ... (2) тангри тамғаси ... (3) билим бу[рхонлар] (4) бил[имимизни].

U0020 verso

1. ... birqam(a)ğ
2. ... k(ä)rgäkärtii
3. ...at ...uz
4. ...tuş

Мазмуни: (1) ... бир барча (2) ... керак эди (3) ...ат ...уз (4) ...туш.

U0009 (Т.П.Д.178 V ВХ) кўрсаткичли узинди(20). Қоғознинг бир томони титилиб кетган. Матн “Хуастуанивт”нинг ўн тўртинчи бўлими боши ва ўн бешинчи бўлимларига тўғри келади.

U0009 recto

- (1) bir ay č(a)xšap(a)t tutmaq [kārgāk]
- (2) ärtii : y(ä)mäčaydanta [yi]mki
- (3) olurup : bača[q] bač[ap : t(ä)ηrii]
- (4) burxanqabirbiligi[n] köη[ültä] baru
- (5) biryilqııyazuqu[muznıbošu]yuu
- (6) ötünmāk k(ä)rgä[k] ärti t(ä)ηrim
- (7) yitiiyimkiitükädioluruu-h
- (8) umadım(i)z ärsär : bir a[yqıı]-h
- (9) č(a)xšap(a)tağädgütiitük[ätii]
- (10) umadım(i)z ärsär : čaydant[a]
- (11) yimkiipačağädgütiinomča
- (12) törüčäoluruuumadım(i)z ärsä[r]

Мазмуни: (1) бир ой рўза тутмак керак (2) эди. Яна ибодатхонада топиниб, (3) рўза тутиб, тангри (4) бурхонга хақиқий имон билан кўнгил қўйиб, (5) бир йилдаги барча гуноҳимиздан (6) тавба қилиш керак эди. Тангрим (7) етти маросимни тугал адо эта (8) олмаган бўлсак, бир ойлик (9) рўзани эзгулик билан тугал адо (10) этмаган бўлсак, ибодатхонада (11) муқаддас рўзани эзгулик, қонун- (12) қоидаси билан тутмаган бўлсак.

U0009 verso

- (1) [bir yilqıı] yazuqumuznıı-h bir
- (2) b[iligin] köη[ü]ltä baru bošunuu-h
- (3) q[olmadımiz] ärsär [n]äčä ägsük
- (4) k(ä)rgäk [bo]lt[ıı] ärsär : amtıı-h
- (5) t(ä)ηrim [m(ä)]n [raymas]t f(a)rzindyazuqda
- (6) bošu[nu] ötünür-m(ä)n m(a)nastar
- (7) hirz : : biš y(i)girminč
- (8) kü[n sayunä]ča y(a)wlaqsaqıınč
- (9) [saqıınur-biz] : näčäsözlämäsıg
- (10) [irinčü]lügsözsözläyür-biz :
- (11) n[äčä] išlāmäsıgirinčülüg
- (12) išišlāyür-biz : anığqılınčqa

Мазмуни: (1) бир йилги гуноҳимизни чин (2) имон билан барчасини кечирилишини (3) сўрамаган бўлсак, қанча нуқсонлар (4) бўлган бўлса, энди (5) тангрим, мен Раймаст Фарзид ёзуғимни (6) кечирилишини ўтинаман, гуноҳларимни (7) кечиргайсан. Ўн бешинчи (бўлим). (8) Кун бўйи қанча ёвуз хаёлларга (9) бериламиз, қанча гуноҳ (10) сўзларни сўзлаймиз, (11) қанча ножўя (12) ишларнибажарамиз. Ёвуз ишга.

U0007 (Т.П.Д.178 VI) кўрсаткичли узинди(21). Қоғози анча уринган. Матннинг юқорисидаги ён томони ҳамда пастидан тепага қараб йиртилган жойи бор. Шунинг учун 2-5 қаторларидаги матн тўлиқ эмас. Варақнинг олд томонида (recto) 11 қатор матн битилиб, сўнгги қатори қизилда. Орқа томонида (verso) 12 қатор матн ёзилган бўлиб, варақнинг тепа қисми ўнг тарафида қора сиёҳ билан рамкага олинган қизил сиёҳдаги матн бор. Сайтда берилган расм ўлчамлари катта бўлмагани учун ўқишнинг имкони бўлмади. Матн “Хуастуанивт”нинг ўн бешинчи бўлимига тўғри келади. Ушбу узинди U 0009 узиндисининг давомидир.

U 0007 recto

- (1) irünčükä k(ä)ntüü özümüzni
- (2) [ämğätir-bi]z : y(ä)mä künkä-h
- (3) [ašadu]qumuz biš t(ä)ñrii y(a)ruqī :
- (4) [k(ä)ntü] özümüz özütümüz tutunč-
- (5) suz [ü]wütsüz suq yäk s(ä)wdüginčä
- (6) yuruduq üč[ün] : y(a)wlaq yirgärüü
- (7) barir: [anīi ü]čün t(ä)ñrim m(ä)n
- (8) raym(a)s[tfarzind] qopyazuqdda-h
- (9) bošun[u] arīğ k(a)rm(a)šuhnquluu-h
- (10) ötün[ür m(ä)n] m(a)nastarhirza-h
- (11) biš y.. ..luğxuastuanift

Мазмуни: (1) гуноҳга ўз-ўзимизни (2) тутиб, азобланамиз. Яна кунлик (3) ризқимизни деб, беш тангри ёруғи, (4) ўз-ўзимизнинг вужудимиз, тўймас, (5) уятсиз шайтон хоҳишича (6) юрганимиз учун ёмон ерга (7) боради. Шунинг учун тангрим, мен (8) Раймаст [Фарзид], барча ёзуқдан(9) халос этгин (дея), чин эътиқод ила (10) ўтинурман. Ёзуқларимизни кечиргайсан.(11) Ўн беш[инчи (бўлим)]. ...луғ Хуастуанивт

U0007 verso

- (1) t(ä)ñrim ägsüklug yazuqluğ-biz :
- (2) ötägči birimči-biz [: todunčsuz]
- (3) äwütsüz suq yäk [ü]čün [saqīnčīn]
- (4) sözin qīlīnčīn : y(ä)mä köz[in]
- (5) körüp qulqaqīn äšidip : [tilin]
- (6) sözläp: ä(l)iğin su[nu]p [a]d[a]qīn
- (7) yurip: örkä öz[üksüz] ämgätür-
- (8) biz: biš t(ä)ñrii y[aruqīn]-h
- (9) quruğ öl yirkä : biš t[ür]lüg
- (10) tīnl(i)ğqa turaliğqa : [biš] türlüg
- (11) otqä iğaçqa : [y(ä)mä ägsü]klüg

(12)[y]azuqluġ-biz: [on čaxšapat]qa

Мазмуни: (1) тангрим, гуноҳқормиз, (2) қарздормиз, тўймас, (3) уятсиз шайтон учун хаёлқилиб, (4) сўз ҳамда иш билан, яна кўз билан (5) кўриб, кулоқ билан эшитиб, тил билан (6) сўзлаб, қўл билан ушлаб, оёқ билан (7) юриб (беш тангри ёруғини) тўхтовсиз қийнаймиз. (8) Беш тангри ёруғини (9) куруғ хўл ерга (ташлаб), беш хил (10) жонзотни, беш хил (11) ўсимликни (қийнаймиз), яна (12) гуноҳқормиз, ўн (хил) диний қоидага.

M6263 (Т.П.Д.178) кўрсаткичли узинди(22). Қоғознинг бир кичик парчаси сақланиб қолган. Қоғоз намиққани учун матндаги сўзлар ўчиб кетган. Матндан айрим ҳарфларни фарқласа бўлади. Шунга қарамай, парчанинг олд ва орқа томонидан биттадан сўзни ўқиш мумкин. Узиндининг собиқ сақланиш рақами **(Т.П.Д.178)** юқоридаги узиндилар билан бир хил ҳамда ҳарфларнинг ёзилиши ҳам бир хил бўлгани учун уни юқоридагилар билан бир қаторга қўшдик.

M6263 seite 1

1. ...
2. ...qlarqa-h
3. ...š...

M6263 seite 2

1. ...sa...
2. ärsär ...
3. ... : ...

Юқоридаги парчаларда берилган матнларни тахминий ҳисоблаб, қўйидаги хулосага келиш мумкин: ушбу қўлёзма U8, U10 узиндилар билан бошланади, сўнг яна 5 (ёки 6)та узинди бўлиб, кейин U20, ундан кейин эса яна 4 (ёки 3)та парчаси бўлган. Охирида U9 ва U7 узиндилардан сўнг асарнинг яна бир якунловчи парчаси бўлган бўлиши керак. Бу ўринда M6263 узинди асарнинг юқоридаги бўлимларидан бирига тўғри келади.

“Хуастуанивт”нинг моний ёзувида битилган туркий версиялари туркмоний жамоалари орасида машҳур бўлган кўринади. Биз кўриб чиққан узиндилар тузилиши, хат услуби, мазмунига кўра бир қўлёзманинг варақлари бўлиши керак. Узиндиларда Раймаст Фарзид номихар бирбўлимнинг сўнгида учрайди. Демак, ушбу шахс ўз даврининг йирик диндорларидан бўлиб, асарни ўзи учун махсус кўчиртирган бўлиши керак(10, 965). Туркмоний ёзувли матнлар устидаги келгуси тадқиқотлар “Хуастуанивт”нинг моний ёзувидаги матнлари унинг тарқалиш ўрни, унга топинувчиларнинг номи ёки шунга ўхшаш қимматли маълумотларни олиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Betül Özbay. HUAŞTUANIŞT: Manihaist Uygurların Tövbe Duası. – Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları, 2014. – 256 s.
2. Chuastuanift, ein Sündenbekenntnis der Manichäischen Auditores. Gefunden in Turfan (Chinesisch Turkistan). Von Dr. A. von Le Coq. Berlin, 1911. – 564–604 p.
3. Chuastuanit, das Bussgebet der Manichäer. Herausgegeben und übersetzt von W. Radloff. – St.-Petersbourg, 1909. – 51 p.
4. Dr. Stein's Turkish Khuastuanift from Tun-Huang being a confession-prayer of the Manichæan Auditores. Edited and translated by A. V. Le Coq. JRAS. April, 1911. – 277–314 p.
5. Larry CLARK. Uygur Manichæan Texts: Volume II. Liturgical Texts: Texts, Translations, Commentary. Corpus Fontium Manichæorum: Series Turcica II. Turnhout: Brepols Publishers, 2013. – 372 p.
6. Xuāstvánift Studies in Manichæism. By Jes P. Asmussen. – ATD. Vol. VII. Copenhagen, 1965. – 293 p.
7. Дмитриева Л.В. Хуастуанифт (введение, текст, перевод)//Тюркологические исследования. – М. – Л., 1963. – 214–232 с.
8. Содиқов Қ. “Хуастуанифт”нинг Берлин қўлёзмалар фондида сақланаётган узиндилари// Хорижий Шарқ халқлари адабиёти ва адабий манбашунослигининг долзарб масалалари. Халқаро илмий анжуман. – Тошкент, 2010 йил. – 45–52-б.
9. Содиқов Қ. “Хуастуанифт”нинг қадимги туркий версияси // Жаҳон адабиёти журнали. 2015/7, июль. – 143–148б.
10. Содиқов Қ. “Хуастуанифт” нухаларининг матний-солиштирма таҳлили ва асарнинг монийлик даври турк адабиётида тутган ўрни/3-Uluslar Arası Türk Dil Kurultayı. 1996. – Ankara, 1999. – 961–972 с.в Қ. Монийчилар тавбаномаси // Филология масалалари. 2003/1. – Тошкент, 2003. – 16–20 б.
12. Тугушева Л.Ю. Экспедиции в Центральную Азию и открытие раннесредневековых тюркских письменных памятников // Российские экспедиции в Центральную Азию в конце XIX – начале XX века / Под редакцией И.Ф. Попова. – Санкт-Петербург: Славия, 2008. – С. 40–49.
13. Ҳақимов М. Шарқ манбашунослиги луғати. – Тошкент, 2013. – 496 б.
14. Хуастванифт (Манихейское покаяние в грехах). Предисловие, транскрипция уйгурского текста, перевод Л.Ю. Тугушевой. Комментарий А.Л. Хосроева. Факсимиле текста. – Санкт-Петербург: Нестор-История, 2008. – 82 с.
15. http://turfan.bbaw.de/dta/m/dta_m_index.htm
16. U20 ҳамда M6263 қўлёзмалардан ташқари. Уларда матннинг 4 ёки 5 сатригина сақланган, холос. Лекин варағининг ранги ва хат услуби ҳамда собиқ сақланиш рақами (Т.И.Д.178)га кўра уларни ҳам шу қаторга қўшидик.
17. <http://turfan.bbaw.de/dta/u/images/u0008recto.jpg>,
<http://turfan.bbaw.de/dta/u/images/u0008verso.jpg>. Узиндиларда тушиб қолган ўринлари асарнинг Лондон нухаси асосида тўлдирилди.
18. <http://turfan.bbaw.de/dta/u/images/u0010recto.jpg>,
<http://turfan.bbaw.de/dta/u/images/u0010verso.jpg>.
19. <http://turfan.bbaw.de/dta/u/images/u0020recto.jpg>,
<http://turfan.bbaw.de/dta/u/images/u0020verso.jpg>.
20. <http://turfan.bbaw.de/dta/u/images/u0009recto.jpg>,
<http://turfan.bbaw.de/dta/u/images/u0009verso.jpg>.
21. <http://turfan.bbaw.de/dta/u/images/u0007recto.jpg>,
<http://turfan.bbaw.de/dta/u/images/u0007verso.jpg>.
22. http://turfan.bbaw.de/dta/m/images/m6263_seite1.jpg,
http://turfan.bbaw.de/dta/m/images/m6263_seite2.jpg.